
ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 3

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 3

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.03.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.03.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.03.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

БЕКПЎЛАТ УМУРҚУЛОВ
Бадиий нутқ – лингвистик тадқиқотлар манбаи 7

НЮБАР ХАКИМОВА
Традиционное врачевание или логманство,
концептуальные и практические направления 15

ПАНЖИЕВ НОРМАХМАТ ПАНЖИЕВИЧ
Синтагматика согласных фонем в узбекском языке
(На материале финальных двучленных сочетаний) 18

TURDIQULOV SHERZOD DUMINOVICH
Teolingvistik g‘oyalarning onomasiologik tadqiqotlarda aks etishi 23

САМАНДАРОВ РУСТАМ ДЎСЁРОВИЧ
Синтактик деривация жараёни ва аппликатив модел 25

TURDIMURODOV SIROJIDDIN ESHQOBILOVICH
Xususiyat, hajm-o‘lchov va hid bildiruvchi
evfemik birliklarning lingvistik xususiyatlari 29

АЛИМАРДАНОВ ЭЛЁР ИЛХОМ ЎҒЛИ
Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тиллари
контактларини ўрганишнинг назарий асослари 32

SAATOVA SURAYYO ISMAILOVNA
O‘zbek tilida lisoniy shaxsni shakllantiruvchi ijtimoiy omillar 37

RAHIMOVA ZEBINISO SHOMANSUR QIZI
Jargonlar presuppozitsiyasi 41

TO‘YCHIYEVA ZULAYHO HAMRAQULOVNA
Zulfiya she’riyatida ayrim frazemalarning qo‘llanish xususiyatlari haqida 45

XUDAYBERGANOVA DILDORA KULMAMATOVNA
O‘zbek tilida zoonimlarning semantik-funksional tahlili
(Ogahiy asarlaridagi zoonimlar misolida) 49

М У Н Д А Р И Ж А

JO‘RAYEVA NASIBAXON G‘ANIYEVNA
Tarixiy asarlar leksikasida eskirgan so‘zlar tizimi 52

XAYDAROVA XURSHIDA
Takroriy taqlid so‘zlar klassifikatsiyasi
(Besh jildli o‘zbek tilining izohli lug‘ati asosida) 57

АНАХОН НАСУРИЛЛАЕВНА ВАПАЕВА
Периоды формирования новейших
слов в узбекском и русском языках 61

ADABIYOTSHUNOSLIK

ҚУРОНОВ ДИЛМУРОД ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ
Адабиётшунослик терминларини ўзбекчалаштириш муаммолари 65

JABBOROV ESHNAZAR
Jahon ma’rifatchiligining sharqona tamoyillari 69

ҚУРОНОВ САЪДУЛЛО ДИЛМУРОДОВИЧ
Ўтиш даври романлари ва инсон концепцияси 71

Rezyume. Maqolada olam milliy lisoniy manzarasining aks etishida muhim bo‘lgan teolingvistik g‘oyalar va shu asosda tahlil qilinadigan joy nomlari, jumladan, teotoponimlarning lisoniy xususiyatlari yoritilgan. Teolingvistika fanining yuzaga kelish sababiyati haqida mulohaza yuritilgan.

Resume. The article highlights the theological ideas that are important in the reflection of the national linguistic landscape of the world and the place names analyzed on this basis, including the linguistic features of theotoponyms. Reasons for the emergence of the science of theolinguistics are discussed.

Резюме. В статье освещаются богословские идеи, имеющие важное значение для отражения национального языкового ландшафта мира, и анализируются на этой основе топонимы, в том числе языковые особенности теотопонимов. Обсуждаются причины возникновения науки теолингвистики.

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta’lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

СИНТАКТИК ДЕРИВАЦИЯ ЖАРАЁНИ ВА АППЛИКАТИВ МОДЕЛ

Самандаров Рустам Дўсёрович,
Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти,
филолоия фанлари бўйича фалсафа доктори

Аёнки, гапнинг синтактик шакли кенгайиши деривацион жараён доирасида вужудга келади ва шу боис аппликатив модел қўлланилишини синтактик деривация назариясининг асосий усулларидан бири сифатида ўрганамиз. Синтактик деривация ҳодисаси, асосан, икки усул билан - трансформацион ва гап шаклининг кенгайиши усуллари билан воқеланади.

Аффикс аппликаторлар (Шаумян терминологиясида реляторлар) муайян сўзга қўшилгач, гап таркибига иккинчи сўзнинг киритилиши учун имконият яратган тақдирдагина гап синтактик шаклининг кенгайиши учун хизмат қила олади, акс ҳолда эса у сўз кенгайтирувчиси вазифасидаги аппликатор мақомини олади. Амма ана шу воситалар нафақат гап, балки, мураккаб синтактик қурилмаларнинг ҳам синтактик шаклини кеннайтиришга, уларнинг компонентларини бир-бирига тиркашга кўмаклашади.

Мураккаб синтактик қурилмалар компонентларини бир-бирига боғловчи аппликатор вазифасида турли хил боғловчи элементлар келади. Боғловчи элементлар ичида энг салмоқли ўринлардан бирини нисбий олмошлар эгаллайди. Нисбий олмошлар МСҚ таркибида ишлатилиб, бир неча формал-грамматик функцияларни бажариб келади. Чунки уларнинг асосий функциялари синтагматик қатордагина белгиланади.

Қўшма гап ёхуд мураккаб синтактик қурилма боғловчили, боғловчисиз тарзда воқеланиши мумкин. Компонентлари тобе боғланишли мураккаб синтактик қурилмалар (МСҚ) ҳам боғловчи ёки унинг ўрнида қўлланилган бошқа бир восита ёрдамида деривацион фаоллик олади. Буни биз ишимизнинг олдинги саҳифаларида ҳам кўриб чиқдик. Бироқ тенг компонентли МСҚлар тобе компонентли МСҚлар синтактик деривацияси қонуниятларидан фарқ қилади. Бунда уларнинг туб структурага асосланган таянч структуралари муштарак ҳолатда шаклланмайди. Чунки тенг компонентли МСҚ деривациясининг операндлари туб структураларининг ҳар бири дериват тўлиқ шаклланишигача ўз кучида қолади. Аммо айтиш жоизки МСҚлар компонентлари қайси йўл билан боғланмасин, икки операндни боғлаб турувчи воситалар аппликаторлар асаналади.

Фикр далили учун фактик тил материалига мурожаат қиламиз:

1. Тожиддин Қосим қаддини ростлади ва унинг йилтироқ совуқ юзига табассум ёйилди (Ойбек. Нур қидириб).

2. Худди тутқаноғи тутиб қолгандек пиқирлаб кула бошлади, лекин кулган сари кўзлари яна нафратга тўлиб борарди (Х.Тўхтабоев. Йиллар ва йўллар).

Берилган тенг компонентли МСҚларнинг биринчисида икки операнд қатнашиб, уларнинг туб структуралари қуйидагича ифодаланганини кўрамиз: ростлади; ёйилди. Ушбу туб структураларга асосланган ҳолда таянч структуралар воқеланмоқда:

Тожиддин Қосим ростлади; табассум ёйилди.

Таянч структуралар ҳар бир гапнинг синтактик деривацияси воқеланишида асосий синтактик омил сифатида фаоллик кўрсатмоқда. Бу ўринда шуниси характерлики, берилган МСҚ икки туб ва икки таянч структураларга асосёланган ҳолда деривацион фаоллик олмоқда.

Айни пайтда МСҚнинг ҳосила структура эканлиги изоҳ талаб қилмайди, албатта. Лекин МСҚ деривациясининг операндлари ҳам алохида ҳосила структураларни шакллантирмоқда. Бошқача айтганда, дериватдан дериват вужудга келиб иерархик муносабат воқеланмоқда.

МСҚ синтактик деривациясининг оператори вазифасида бу ўринда ва боғловчиси келмоқда. Бироқ операндларнинг ҳар бири ҳосила структура бўлгани боис уларда ҳам алоҳида оператор-операнд муносабати кузатилмоқда: ***-ни*** (қаддини) оператор; ***-га*** (юзига) оператор. Бу ўринда ***-ни*** (қаддини) ҳамда ***-га*** (юзига) воситалари МСҚ операндлари учун аппликатор вазифасини бажарса, ва боғловчиси эса МСҚ нинг икки қисмини бир-бирига тиркалиши учун хизмат қилувчи аппликатор саналади.

Берилган иккинчи МСҚда ҳам шу сингари деривацион ҳолат кузатилади. Бунда аппликатор вазифасида лекин зидлов боғловчиси қатнашмоқда. Қолган барча аппликаторлар биринчи МСҚда бўлгани кабидир.мазкур аппликаторлар деривацион тамойилларга кўра оператор вазифасини бажараётганлиги изоҳ талаб қилмайди.

Боғловчисиз шаклланган МСҚлар ҳам тенг компонентли бўлади. Уларда иштирок этаётган ҳар бир гап МСҚ синтактик деривациясининг операнди саналади. Бундай вазиятда деривация оператори дистрибутив муносабатни ташкил этаётган экстралингвистик омил ҳисобланади.

Боғловчисиз воқеланувчи МСҚ компонентларининг ҳар бири ортида муайян ситуация ётади ва денотат мақомида келади. Бундай МСҚлар компонентлари ўзларининг алоҳида туб структурасига эга бўлади. Бошқача айтганда, МСҚ таркибида қанча гап қатнашаётган бўлса, шунча туб структура ҳам бўлади. Айни пайтда МСҚнинг синтактик деривацияси маълум бир таянч структурага асосланмайди. Бироқ МСҚ компонентларининг синтактик деривацияси муайян таянч структура асосида воқеланади.

МСҚ компонентлари ортида турувчи ситуацияни микроситуация деб атаймиз. Уларнинг ўзаро муносабатидан ҳосил бўлувчи ситуацияни эса макроситуация деб номлаймиз. Чунки МСҚ компонентларининг ўзаро муносабатидан умумий мазмуний ифодани берувчи макросигнификат шаклланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, боғловчисиз шаклланган мураккаб синтактик қурилмаларда интонация муҳим роль ўйнайди. Аммо оҳанг ҳарқанча муҳим вазифа бажармасин, унинг мавқеи МСҚ қисмларини боғлашда эмас, балки балки иллокутив (акс таъсир) таъсири кучини оширишда кўпроқ кўринади. Бу ҳақда Ш.Турниязова қуйидагиларни ёзади: “Интонация матннинг оғзаки шаклида кўпроқ аҳамият касб этади, ёзма шаклдаги матнда эса унинг мавқеи қарийб сезилмайди. Негаки, интонациянинг белгисиз шакли бўлмайди, у фақат кўтарилиш ёки пасайиш орқали ифодаланадиган белгили шаклда нутқ мучаларига ҳамроҳлик қилади”[1].

Оҳангнинг мураккаб синтактик қурилмаларнинг синтактик боғланишидаги вазифаси ҳозиргача мавжуд кўплаб ишларда бўрттирилиб кўрсатилар эди. Жумладан, Н.С.Поспелов, А.М.Пешковский ва бошқа тилшунос олимлар ўз ишларида оҳангни мураккаб синтактик қурилмалар компонентларини боғлашга ёрдам берувчи асосий омил сифатида кўрсатишган.

Уларнинг фикрича, интонация МСҚ қисмларни боғлашда боғловчи вазифасини бажарувчи семантик-синтактик омил саналади[2]. Аммо юқорида ҳам айтиб ўтганимиздек, ҳозирги ишларда боғловчисиз мураккаб синтактик қурилмаларда интонация ҳеч қандай синтактик вазифа бажармаслиги таъкидлаб ўтилмоқда. Жумладан, Е.Н.Ширяев интонация фақатгина предикатив қурилмалар ўртасида воқеланаётган семантик муносабатнинг фаоллашувига ёрдам беришини, демакки, боғловчисиз воқеланган МСҚ компонентларининг лексик – семантик маънолари билан узвий боғлиқ бўлишини, шу боис боғловчисиз боғланган қўшма гапни талқин этишда семантик компонент ғоят муҳим мавқе касб этишини алоҳида эътироф этиб ўтади[3].

---

[1] Турниязова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари: Номз. дис. – Тошкент, 2010. – Б. 59.

[2] Қаранг: Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956. – С. 470-472; Поспелов Н.С. О грамматической природе и принцпах классификации бессаюзных сложных предложений // Вопросы синтаксиса современного русского языка. – М., 1950.

[3] Қаранг: Ширяев Е.Н. Основы системного описания бессоюзных сложных предложений // Вопросы языкознания, № 1, 1984. – С. 57-59;

И. Н. Кручинина эса қуйидаги фикрни баён этади: «… Боғловчисиз қўшма гаплар синтактик формага эга эмас ва шу боис улар синтактик бирлик саналмайди. Боғловчисиз қўшма гап деб анъанага кўра номланиб келинаётган мураккаб қурилмалар гапларнинг кетма-кет келишини тақозо этувчи матндир»[1].

Олиманинг бу фикрига қисман қўшилса бўлади. Зеро, боғловчисиз шаклланган мураккаб қурилмаларнинг синтактик мақоми мавжудлигини кескин инкор этиб бўлмайди. Чунки боғловчисиз МСҚларда боғловчи воситалар яққол иштирок эмаса-да, улранинг қисмлари ўзаро турли лексик-морфологик воситалар орқале и (лексик такрор, синонимик воситалар, олмошлар ва ҳ. к.) боғланишини инкор этиб бўлмайди. Бундай вазиятда, албатта, ана шу унсурлар синтактик жиҳатдан ҳам, семантик нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади:

Мирзо Улуғбек Али Қушчини пастки ошёнагача кузатиб қўйиб, овчилик ўлжалари билан безатилган хонага қайтиб кирди: бу муаззам саройдаги сон-саноқсиз хоналар орасида у шу кенг осуда хонани кўпроқ хушлар эди (О.Ёқубов.Улуғбек хазинаси).

Берилган боғловчисиз мураккаб синтактик қурилма қисмларининг ўзаро синтактик муносабати икки гапда такрор қўлланаётган хона сўзи орқали ҳамда гапларнинг мазмуни узвийлиги воситасида воқеланмоқда. Шу нарса характерлики, матн компонентларининг ўзаро боғланиши лексик-морфологик воситалар билан қанчалик кўп боғлиқ бўлса, бу ўринда интонациянинг мавқеи шунчалик кўп пасаяди[2].

Ана шу лексик-морфологик воситалар мураккаб синтактик қурилмалар компонентларини синтактик боғланишини таъминлар экан, биз уларни бемалаол аппликаторлар деб олишимиз мумкин. Демак, юқорида келтирилган мисолда хона сўзи МСҚ таркибида бир неча бор такрорланиб, МСҚ қисмларини боғлаб келгани учун у аппликатор саналади.

Фикримиз далилини қуйидаги мисолларда ҳам кўришимиз мумкин:

1.Силлиқ тош ётқизилган жимжит кучалар тақа қоқилган от туёқларидан қарсиллаб кетди, кўчанинг икки юзидаги пахса девор билан ўралган ҳовлилардан, тимли пасқам расталардан тиқ этган товуш эшитилмайди... (О.Ёқубов.Улуғбек хазинаси).

2. Улуғбек либосларини киймай хонтахтадан узун дурбин шаклидаги устурлобни олиб, шифтдаги туйнукдан кўриниб турган тубсиз фалакка тикилди: осмонга гуё беҳисоб тилла тангачалар сочилган (О.Ёқубов.Улуғбек хазинаси).

Келтирилган мисолларнинг ҳар иккаласи ҳам боғловчисиз мураккаб синтактик қурилма бўлиб, иккаласи ҳам икки компонентдан ташкил топган. Мазкур мисолларнинг биринчисида лексик такрор приёми қўлланилган бўлиб, МСҚ нинг ҳар икки компонентида такрорланаётган сўзнинг, яъни кўча сўзининг семантик саломоғи кучли эканлиги яққол сезилади. Шунга кўра, мазкур сўз МСҚ компонентларининг синтактик боғланишини таъминлаётганини англаш қийин эмас. Демак, айнан ана шу сўз ддеривацион нуқтаи назарга кўра МСҚ синтактик деривациясининг оператори, аппликатив модел тамойилларига кўра аппликатор вазифасида келмоқда.

Иккинчи мисолда эса МСҚ синтактик деривациясини шакллантираётган оператор вазифасида синонимик восита келмоқда. Аниқроқ айтадиган бўлсак, мазкур МСҚ компонентларининг биринчисида фалак, иккинчисида осмон сўзлари иштирок этиб, мазкур сўзлар узвий синтактик боғланишни вужудга келтирмоқда.

Гувоҳи бўлганимиздек, синтактик боғланишнинг бу турида нафақат лексик синонимлар, балки бир-бирига маъносига кўра тўғри келадиган, мазмуний муштараклик шакллантирадиган воситалар ҳам кенг қўлланилади. Юқоридаги вазиятда эса, лексик такрор приёмидан фарқли ўлароқ, мураккаб синтактик қурилмалар қисмларининг синтактик алоқасини шаклларнтиришдан ташқари, синонимик воситалар жумлалар қўлланилишининг услубий равонлиги ҳам таъминланади. Чунки, МСҚ компонентлари таркибида айнан бир сўзнинг такрор қўлланилишига чек қўйилади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айни пайтда мазкур синонимик воситалар МСҚ компонентларининг бир-бирга тиркалишига сабаб бўлувчи аппликатор сналади. Деривацион жиҳатдан эса бу воситлар МСҚ синтактик деривацияси оператори мақомини олади.

Шуниси аҳамиятлики, боғловчисиз МСҚлар синтактик боғланиши олмошлар орқали ҳам юзага келиши мумкин. Бунда олмошларнинг семантик вазифаси синонимик воситаларнинг семантик вазифасига ўхшаб кетади. Зеро бу икки воситаларнинг ҳар иккиси ҳам субституция ҳодисасига асосланади:

[1] Кручинина И. Н. Некоторые тенденции развития современной теории сложного предложения // Вопросы языкознания, 1973, №2, – С. 115. И.Н.Кручининанинг мазкур фикри Ш.Турниязованинг «Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари» номзодлик диссертациясидан олинган.

[2] Қаранг: Турниязова Ш. Ҳозирги ўзбек тилида матн шаклланишининг деривацион хусусиятлари: Номз. дис. – Тошкент, 2010. – Б. 66.

Али Қушчи эртасига чошгоҳ пайтида қайтди; у эшагини йўрттириб олдинда келар, тўрт туяни етаклаб олган Мирам Чалабий эса хийла орқада қолган эди.

Келтирилган МСҚ уч компонентдан иборат бўлиб, биринчи компонентнинг иккинчисига синтактик ва семантик жиҳатдан боғлаётган восита у олмоши саналади. Мазкур олмош МСҚ биринчи компонентидаги Али Қушчи сўзини ўрнида қўлланилаяпти. Иккинчи ва учинчи компонентни эса боғловчи воситаси боғлаб келиб, МСҚ иккинчи ва учинчи қисмларини синтактик боғланишини шакллантирмоқда. Мазкур боғланишни таъминлаётган бу воситлар МСҚ қисмларини таркалишини шакллантирган аппликаторлар саналади.

Кўринадики, ҳар қандай мураккаб синтактик қурилма ҳам ҳосила структурани (дериватни) тақозо этади. Чунки унинг шаклланиши иерархик асосидир. Бу ўринда транспозиция, трансформация ва аппликатив боғланиш усуллари ўзаро кесишади.

Демак, мураккаб синтактик қурилма деривациясининг операндлари ҳам, юқорида гувоҳи бўлганимиздек, мустақил гапларни тақозо этади. Аниқроғи, улар гап мақомини тарк этадиган бўлади. Бу ҳақда айтилган Ғ.Абдураҳмоновнинг қуйидаги фикри ибратлидир: «Қўшма гап шакли икки ва ундан ортиқ содда гапнинг бирикмасидан тузилади… Қўшма гап таркибидаги гаплар қанчалик ўзига хос хусусиятга эга бўлмасин, улар гапнинг асосий белгиларини акс эттириши керак. Шу сабабли қўшма гап таркибидаги гапларни тамоман бошқа бир термин билан номлашнинг ҳожати бўлмас керак: «предикатив бирлик», «қисм», «элемент» терминлари жуда умумий ва кенг бўлиб, масалани тушунишни қийинлаштириши, чалкаштириши мумкин, холос»[1].

Резюме: Мураккаб синтактик қурилма деривациясининг операндлари мустақил гапларни тақозо этади. Жумладан, мураккаб синтактик қурилмалар компонентларини бир-бирига боғловчи аппликатор вазифасида турли хил боғловчи элементлар келиши, боғловчи элементлар ичида энг салмоқли ўринлардан бирини нисбий олмош, боғловчи, юклама каби воситалар эгаллаши ҳамда МСҚ таркибида ишлатилиб, бир неча формал-грамматик функцияларни бажариб келиши, уларнинг асосий функциялари синтагматик қатордагина белгиланади.

Resume: The operands of complex syntactic device derivation require independent clauses. In particular, various connecting elements are used as an applicator connecting the components of complex syntactic devices, one of the most important places among the connecting elements is occupied by means such as relative pronouns, conjunctions, particles, and they are used in CSD and perform several formal-grammatical functions and their main functions are defined only in the syntagmatic structure.

Резюме: Операнды образования сложных синтаксических конструкций требуют независимых предложений. В частности, различные соединительные элементы используются в качестве аппликаторов, связывающих компоненты сложных синтаксических конструкций, одно из важнейших мест среди соединительных элементов занимают такие средства, как относительные местоимения, союзы, частицы, они употребляются в ССК и выполняют несколько формально-грамматических функций и их основные функции определяются только в синтагматической структуре.

[1] Абдураҳмонов Ғ.А. Қўшма гап синтаксиси. – Тошкент, 1964. – Б. 9-10.